



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 02.09.2025 йилдаги 555-сон

Кучга кириш санаси

03.09.2025

Қўшимча ахборот

Улашиш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТОВАРЛАРНИ БОЖХОНА ХУДУДИДА ҚАЙТА ИШЛАШНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими қўлланилишини соддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 25 апрелдаги ПФ-115-сон ва «Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 мартдаги ПФ-50-сон фармонларига ҳамда «Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 22 январдаги ПҚ-20-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг драйвер соҳаларида божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан самарали фойдаланиб, янги иш ўринларини яратиш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Божхона ҳудудида ва ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш тақиқланган товарлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимини қўллашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиби жорий этилсин:

олиб келинадиган чет эл товарларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш объектига олиб кетишга рухсат бериш;

божхона ҳудудида қайта ишлаш режимида тайёрланган маҳсулотларни кейинги ишлаб чиқарувчилар томонидан кооперация тартибида чуқурроқ қайта ишлаш учун божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштиришга рухсат бериш;

биринчи маҳаллий қайта ишловчига чет элдан хомашё сотиб олиб, қайта ишланган маҳсулотларни кооперация тартибида чуқурроқ қайта ишлаш мақсадида иккинчи маҳаллий қайта ишловчига ҳисоб-фактура асосида сотиш ҳуқуқини бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Божхона қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда товарларни ушбу режимларга расмийлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, зарур ҳолларда божхона ва бошқа тартиб-таомилларни янада соддалаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифларни киритиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 2 сентябрь,
555-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2
сентябрдаги 555-сон қарорига
1-ИЛОВА

Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ваколатли шахс — товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси ёки товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш қўрувчи шахс;

импорт шартномаси — товарлар (ишлар ва хизматлар) импорти бўйича Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти ўртасида тузилган шартнома;

ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги — хомашёни доимий (оқим ва вақт бўйича узлуксиз ишлайдиган технологиялар асосида) равишда тайёр маҳсулот ҳолатига айлантириш;

ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар — божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган, қайта ишлаш жараёнлари натижасида қайтариб бўлмайдиган даражада йўқотиладиган чет эл товарлари;

кооперация тартибида божхона ҳудудида қайта ишлаш — божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштирилган товарлардан ҳосил бўлган қайта ишлаш маҳсулотларини кейинги ишлаб чиқарувчилар томонидан чуқурроқ қайта ишлаш учун божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштириш, товарларни қадоклаш, ўраш (шу жумладан, қайта ўраш), саралаш, тозалаш, бошқа товарларга мослаштириш бўйича божхона ҳудудида қайта ишлаш операциялари бундан мустасно;

республика ҳудудида экспорт шартномаси — экспорт қилувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган, ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга Ўзбекистон Республикасининг норезиденти билан хорижий валютада тўғридан-тўғри тузилган шартнома;

чуқурроқ қайта ишлаш — хомашё ва яримтайёр маҳсулотларни замонавий технологиялар ёрдамида имкон қадар даражада қайта ишлаб (белгиланадиган стандартлар ва технологик кўрсаткичлар асосида хомашё ва ресурсларни имкон қадар тўлиқ қайта ишлаш ҳамда чиқиндиларни камайтириш), юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

чиқиндилар — ишлаб чиқариш жараёнида муқаррар равишда ҳосил бўладиган, шу жумладан, истеъмол хусусиятларини йўқотган, шунингдек, авария, форс-мажор ҳолатлар ёки ишлаб чиқаришдаги нуқсон натижасида зарар етказилган товарлар;

экспорт шартномаси — товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти бўйича Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти ўртасида тузилган шартнома;

қайта ишлаш маҳсулотлари — олиб кирилган товарлар билан қайта ишлаш операцияларини амалга ошириш натижасида, шунингдек, ушбу жараёнда эквивалент ва Ўзбекистон Республикасининг товарларидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш натижасида олинган тайёр маҳсулот;

қолдиқлар — Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда — ТИФ ТН) бўйича божхона ҳудудига олиб кирилган товар позицияси билан таснифланадиган чет эл товарларининг фойдаланилмаган қисми.

3. Товарлар божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига Божхона [кодексига](#) ҳамда ушбу Низомга мувофиқ бериладиган қайта ишлаш рухсатномаси (кейинги ўринларда — рухсатнома) асосида жойлаштирилади.

Товарларни таъмирлаш мақсадида божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимини қўллашда, қайта ишлаш рухсатномаси сифатида ушбу Низомнинг [9-бандида](#) кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда божхона юк декларациясидан фойдаланилади.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарларни таъмирлашда қўшимча чет эл товарларини алоҳида етказиб бериш ёки чет эл товарлари эквивалент товар билан алмаштирилиши лозим бўлган тақдирда, товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш учун божхона органидан олинган рухсатнома асосида амалга оширилади.

Махсус турдаги товар бўйича қайта ишлаш операцияларини амалга ошириш бўйича рухсатнома Божхона қўмитаси томонидан тақдим этилади.

4. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар чет эл товари мақомини сақлаб қолади, қайта ишлаш маҳсулотларининг мақоми эса божхона қонунчилигига мувофиқ етарли даражада қайта ишланганлик мезонларига асосан аниқланади.

5. Ваколатли шахс томонидан божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига мувофиқ товарлардан фойдаланиш талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

божхона ҳудудида қайта ишлашнинг белгиланган муддатига риоя этилиши;

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар билан боғлиқ қайта ишлаш рухсатномасида кўрсатилган операцияларнинг амалга оширилиши;

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар қайта ишлаш рухсатномасида кўрсатилган шахсларда ва қайта ишлаш манзилида бўлиши ҳамда ушбу шахслар томонидан белгиланган манзилда қайта ишлаш операциялари амалга оширилиши лозимлиги;

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товар, қайта ишланган тайёр маҳсулот ёки унинг қолдиқлари ва товарни қайта ишлаш чиқиндилари бошқа товарлар билан аралаш ҳолатда божхона назорати остида сақланмаслиги;

товарлар ва улар билан боғлиқ амалга оширилган операциялар ҳисобини юритиш мақсадида ҳамда ушбу Низомнинг **5-боби**га мувофиқ божхона органига ҳисобот тақдим этиш.

6. Ушбу Низомнинг 57-банди **иккинчи — тўртинчи хатбошиларида** назарда тутилган ҳолатлар бир календарь йил давомида икки ва ундан кўп марта содир этилган тақдирда, ваколатли шахс томонидан кейинги божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштириладиган товарлар бўйича бир йил давомида Божхона кодексининг **47-боби** талабларига мувофиқ божхона тўловлари тўланишини таъминлаш талаб этилади.

2-боб. Товарни божхона ҳудудида қайта ишлашга рухсатнома олиш учун мурожаат қилиш тартиби

7. Рухсатнома олиш учун ваколатли шахс Божхона қўмитасининг расмий веб-сайти орқали интерактив давлат хизматлари ёрдамида қайта ишлаш операциялари амалга ошириладиган ҳудуддаги божхона органига, шунингдек махсус турдаги товарларни (бундан эркин муомалага чиқариш ва экспорт божхона режимларига расмийлаштириш мустасно) қайта ишлаш бўйича Божхона қўмитасига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ариза тақдим этади.

Давлат сирини ташкил этувчи қайта ишлаш операцияларига нисбатан қоғоз шаклида ёзма ариза қайта ишлаш операциялари амалга ошириладиган ҳудуддаги божхона органига Божхона қўмитаси томонидан белгиланган шакл асосида тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

8. Ишлаб чиқариш жараёни бир нечта турли жойларда амалга ошириладиган технологик жараёнларни ўз ичига олган бўлса, ариза қайта ишлаш товарларининг энг катта ҳажмдаги (миқдордаги) қайта ишлаш операциялари амалга ошириладиган ҳудуддаги божхона органига тақдим этилади.

9. Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида маълумот (ишлаб чиқариш технологиясини тавсифловчи ва қайта ишловчи томонидан қайта ишланган маҳсулотларни олиш учун фойдаланиладиган технология тўғрисида);

ваколатли шахс томонидан аниқланган қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаси (агар ушбу нормалар белгиланган тартибда тасдиқланмаган бўлса, товар қайта ишланадиган ҳақиқий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ваколатли шахс томонидан аниқланади ва тасдиқланади);

товарни қайта ишлаш маҳсулотларида идентификация қилишнинг ваколатли шахс томонидан белгиланган усули бўйича маълумоти;

қайта ишлашни амалга ошириш учун асос бўлган контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) ёки товарни қайта ишлаш учун олиб киришга ва қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқишга доир контрактларнинг (шартномаларнинг, келишувларнинг) кўчирма нусхаси ва қайта ишлаш операциялари учун зарур бўлган бошқа шартномалар.

Бунда чет эл товарлари божхона ҳудудига олиб кириладиган ташқи савдо шартномаси (келишув)нинг кўчирма нусхаси;

қайта ишлаш операциялари амалга ошириладиган жой, бино ёки иншоотдан ижара шартнома асосида фойдаланилса, ижара шартномаси;

ваколатли шахс товарни қайта ишловчиси бўлмаган ҳолларда, қайта ишловчи ўртасидаги шартноманинг нусхаси;

қайта ишлаш операциялари учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ зарур бўлган бошқа контрактлар (шартномалар ва келишувлар) тақдим қилиниши мумкин.

10. Ваколатли шахс томонидан рухсатнома бериш тўғрисидаги аризада товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш муддатини белгилашда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

товарларни қайта ишлашда ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлиги;

қайта ишлаш маҳсулотларини божхона ҳудудидан амалда олиб чиқиш ҳамда чет эл товарлари қолдиқлари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини тасарруф этиш билан боғлиқ божхона операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган вақт.

11. Ваколатли шахс қайта ишлашга рухсатнома олишда аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Ваколатли шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар божхона органи унинг аксини тасдиқламагунича барча ҳолларда тўғри деб ҳисобланади.

12. Электрон шаклда келиб тушган аризалар бўйича рухсатнома Божхона қўмитаси томонидан белгиланган шаклда божхона органларининг автоматлаштирилган тизимлари орқали электрон шаклда берилади.

Қоғоз шаклида келиб тушган аризалар бўйича рухсатнома қоғоз шаклида берилади.

13. Рухсатнома олиш учун ваколатли шахсдан ушбу Низомнинг **9-бандида** кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Қайта ишлашга рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддатлари

14. Божхона органи ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни улар қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кўриб чиқади.

Божхона органи ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, якуний қарор (рухсатнома бериш ёки аризани рад этиш) қабул қилганидан кейин бир иш кунидан кечиктирмай, қарор тўғрисида ваколатли шахсни ёзма, шу жумладан, электрон шаклда хабардор қилади.

15. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, божхона органи аризани рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ваколатли шахсни хабардор қилади.

Ваколатли шахс томонидан камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган муддат рухсатнома бериш рад этилгани тўғрисидаги хабарнома юборилган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

16. Рухсатномани беришни рад этиш учун асос бўлган камчиликлар белгиланган муддатда ваколатли шахс томонидан бартараф этилган тақдирда, божхона органи томонидан ариза қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида такроран кўриб чиқилади.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда божхона органи томонидан илгари хабарда баён қилинмаган рад этиш сабаблари келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган камчиликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

17. Рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янги берилган ҳисобланади ва божхона органи томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

18. Рухсатнома аризада кўрсатилган муддатга берилади. Бироқ ушбу муддат икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Рухсатнома сифатида божхона юк декларациясидан фойдаланилганда, қайта ишлаш муддати декларант томонидан божхона юк декларациясида кўрсатилади.

4-боб. Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва тақдим этиш тартиби

19. Рухсатномани олиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқишда божхона органи қуйидагиларга эътибор қаратади:

Божхона кодексининг **72-моддаси** талаб ва шартларига риоя этилганига;

аризада кўрсатилган манзиллар бўйича ишлаб чиқариш корхонасида асбоб-ускуналар мавжудлиги, қуввати ва қайта ишловчининг ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганишга;

ваколатли шахс танлаган усул бўйича қайта ишлаш товарларини идентификация қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, идентификация қилишнинг бошқа усулини таклиф қилишга;

қайта ишлаш маҳсулотларини ваколатли шахс томонидан тасдиқланган чиқиш нормаси бўйича ўрганиш зарур бўлганда экспертларни жалб қилишга;

қайта ишлаш учун аввал берилган рухсатномалар, экспертлар ва мутахассисларнинг хулосалари, очиқ манбаларда эълон қилинган ахборотлардан таққослаш учун маълумот сифатида фойдаланишга.

20. Рухсатнома беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлади:

ваколатли шахс томонидан аризада рухсатнома бериш учун зарур бўлган маълумотларнинг тўлиқ бўлмагани ҳамда кўрсатилмаган ва (ёки) ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланмагани;

товарларнинг божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими остида жойлаштириш учун белгиланган талаблар ва шартларга мос эмаслиги;

ваколатли шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги.

21. Рухсатнома беришни бошқа асослар, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас, деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Божхона қўмитаси ваколатли шахсларга интерактив хизматлар орқали электрон рухсатномаларни қоғозга босиб чиқариш имкониятини, шунингдек, тизимнинг ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун тўғри, қулай ишлашини таъминлайди.

Ариза ёзма шаклда берилган тақдирда, рухсатноманинг қоғоз шакли берилади. Қоғозда берилган рухсатнома йўқотилган ёки бузилган тақдирда, ваколатли шахснинг аризасига кўра божхона органи томонидан ариза олинган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида унинг дубликати берилади.

23. Ҳар бир қайта ишлаш товарлари, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган Ўзбекистон Республикаси товарлари, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва қолдиқларига, шунингдек, қайта ишлаш

маҳсулотларига ва қайта ишлаш жараёнида йўқотилаётган товарларга эса тартиб рақамлари бириктирилади.

Мазкур маълумотлар товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида божхона юк декларациясида кўрсатилади.

Агар божхона юк декларациясидан қайта ишлашга рухсатнома сифатида фойдаланилса, бундай декларацияга берилган рўйхатга олиш рақами қайта ишлаш рухсатномасининг рўйхатга олиш рақами ҳисобланади.

5-боб. Товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш муддатлари ва улар устидан божхона назорати

24. Божхона ҳудудига олиб кириладиган қайта ишлаш товарлари божхона чегараси кесиб ўтилган пайтдан бошлаб қайта ишлаш маҳсулотлари, чиқиндилар, қолдиқлар ҳамда божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган ва қайта ишлаш операцияларида ишлатилмаган чет эл товарлари амалда олиб чиқилгунга қадар божхона назорати остида бўлади.

Ушбу банднинг **биринчи хатбошисида** кўрсатилган товарлар эркин муомалага чиқариш (импорт), йўқ қилиш, давлат фойдасига воз кечиш божхона режимларига жойлаштирилмагунга қадар ҳамда авария ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида йўқ қилинган ёки қайтариб бўлмайдиган тарзда йўқотилган ёхуд давлат органларининг қарорлари асосида эгаликдан чиқариб юборилгунга қадар божхона назорати остида бўлади.

25. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар ҳисоби божхона органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимида юритилади.

26. Ушбу Низомнинг **4-боби**га мувофиқ қайта ишлашга рухсатнома олган ваколатли шахс ҳар чоракда божхона органига божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимидан фойдалангани бўйича даврий ҳисоботларни мазкур Низомга **иловага** мувофиқ тақдим этиб боради.

Рухсатнома олган шахс ушбу рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаган кундан бошлаб ўттиз календарь кун ичида божхона органига божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига риоя этилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

27. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига риоя этилиши тўғрисидаги даврий ҳисоботлар мазкур Низомга **иловага** мувофиқ божхона органларининг ахборот тизими орқали электрон ёки қоғоз шаклида тақдим этилади.

28. Қайта ишлаш божхона режимини қўллаш даврида товар авария ёки енгиб бўлмас куч таъсири натижасида тўлиқ йўқ бўлиб кетган ёки қайтариб бўлмайдиган даражада йўқолган бўлса, ушбу ҳолатлар ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ҳужжатларда акс эттирилади ҳамда ваколатли шахс бу ҳақида ўз ҳисоботида кўрсатади.

29. Қайта ишлаш рухсатномасини олган шахс божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимининг амал қилиш муддати тугаган кундан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимининг қўлланиши тўғрисидаги маълумотларни рухсатнома берган божхона органи билан солиштиради. Бундай солиштириш натижалари бўйича божхона органи рухсатнома олган шахс билан биргаликда далолатнома тузади.

30. Қайта ишлаш маҳсулотлари биттадан ортиқ туркумда олиб чиқиладиганда, қайта ишлаш маҳсулотлари миқдорининг қайта ишлаш рухсатномасида кўрсатилган миқдорга мувофиқлиги вақти-вақти билан, лекин уч ойда камида бир марта ва қайта ишлаш маҳсулотларининг охириги туркуми божхона чегараси орқали олиб ўтилган кундан бошлаб, ўттиз календарь кундан кечиктирмай текшириб кўрилиши мумкин.

31. Агар божхона ҳудудида қайта ишлаш операциялари икки ёки ундан ортиқ корхоналарда амалга оширилса, божхона мақсадлари учун товарларнинг ҳисоби ҳар бир қайта ишловчида алоҳида юритилади.

32. Божхона мақсадлари учун товарларни ҳисобга олиш бир хил номдаги, бир хил хусусиятларга ва функционал мақсадларга эга бўлган, битта ТИФ ТН кодга мувофиқ таснифланган ва божхона юк декларациясида алоҳида маҳсулот сифатида кўрсатилган товарлар мустақил ҳисобга олиш товари ҳисобланади.

33. Божхона мақсадлари учун товарларни ҳисобга олиш қайта ишлаш операциялари жараёнида товарларнинг ҳаракатини кузатиш имконини берадиган маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

34. Рухсатноманинг амал қилиш муддати давомида бир хил чет эл товари бир нечта партияларда олиб кириладиган бўлса, бундай товарларни қайта ишлаш маҳсулотлари қоида тариқасида божхона мақсадлари учун ҳисоблашда дастлаб олиб келинган товарларга биринчи бўлиб фойдаланилган деб қаралади.

35. Рухсатномада кўрсатилган чет эл товарларини қайта ишлаш жойларига олиб бориш учун ваколатли шахс товарларнинг идентификация воситалари бутлигини таъминлаган ҳолда божхона юк декларациясини тақдим этгандан сўнг тегишли юк операцияларини амалга оширади.

36. Божхона назоратини амалга оширишда божхона органи қуйидагиларни бажариши мумкин:

товарлардан намуналар ва синамалар олиш ҳамда улар билан тадқиқотлар ўтказиш;

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини хатловдан ўтказиш;

ваколатли шахслар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар ва чиқиш нормасидаги маълумотларни мутахассисни жалб қилган ҳолда ўрганиш;

хатловдан ўтказилаётган божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари бўйича солиқ органларига тақдим этилган маълумотларни солиштириш мақсадида солиқ органларидан маълумотларни сўраш;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи ва бошқа органлардан божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни сўраш.

6-боб. Божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кирилаётган товарни қайта ишлаш маҳсулотлари билан идентификация қилиш

37. Товарнинг ва қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кирилаётган товар қайта ишлаш маҳсулотлари билан Божхона кодексининг [74-моддасига](#) асосан идентификация қилинади.

38. Ваколатли шахснинг сўровига ҳамда божхона органининг розилигига кўра олиб кириладиган товарни божхона мақсадларида идентификация қилиш қайта ишлаш операцияларини амалга ошириш жараёнида божхона мақсадлари учун чет эл товарларининг кузатилиши ва назорат қилиш имконини берувчи, узлуксиз миқдорий ҳисобини электрон шаклда юритиш орқали таъминланиши мумкин.

39. Ушбу Низомнинг [38-бандида](#) белгиланган талаблар қуйидаги ҳолларда қўлланади:

қайта ишлаш операциялари бир нечта технологик жараёнларни қамраб олганда ёки бир нечта қайта ишлаш товарларини талаб қилганда;

ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигига тааллуқли технологик жараёндан қайта ишлаш учун фойдаланилаётган бўлса;

божхона ҳудудида турли божхона юк декларациялари бўйича қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган қайта ишлаш товарлари алоҳида идентификация белгиларига эга бўлмаганда ва алоҳида партияларга ажратилмасдан аралаш шаклда, шу жумладан, сочилган, уюмланган, қуйилган ҳолатда сақланганда ва (ёки) қайта ишланганда.

40. Қайта ишлаш маҳсулотларида қайта ишлаш товарини идентификация қилиш усули ваколатли шахс томонидан белгиланади.

Агар ваколатли шахс томонидан танланган идентификация қилиш усули мақсадга мувофиқ деб топилмаса, божхона органи идентификация қилиш усулига рози бўлмасликка ва ваколатли шахсга ушбу Низомнинг [37-38-бандларида](#) кўрсатилган идентификация қилишнинг бошқа усулини таклиф қилишга ҳамда товарларни идентификация қилиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ваколатли шахс идентификацияни таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларнинг тўғрилиги, шунингдек, идентификация воситаларининг хавфсизлиги учун жавобгардир.

41. Агар қайта ишлаш жараёни турли хил технологик жараёнлардан фойдаланган ҳолда бир неча босқичларда амалга оширилаётган бўлса, қайта ишлаш маҳсулотларида қайта ишлаш товарларини идентификация қилиш учун Божхона кодексининг [74-моддаси](#) ҳамда ушбу Низомнинг [36-бандида](#) қайд этилган усуллардан ҳар бир босқич учун алоҳида фойдаланилади.

7-боб. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаси

42. Қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормалари уларни қайта ишлаш технологияси, ишлаб чиқариш ва (ёки) юк операцияларидаги йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, ваколатли шахс томонидан тасдиқланади ва божхона органига тақдим этилади.

Ваколатли шахс қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини аниқлашда давлат органларининг ва (ёки) ваколатли органларнинг хулосаларига асосланиши мумкин.

43. Тақдим этилган чиқиш нормалари божхона ҳудудида қайта ишлаш учун рухсатномаларда қайд этилади ва уларнинг ҳаққонийлигига ваколатли шахс жавобгар ҳисобланади.

44. Қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормалари:

ишлаб чиқариш жараёнига мувофиқ қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган товарларнинг маълум миқдоридан олинадиган қайта ишлаш маҳсулотларининг мутлақ ёки фоиз нисбатидаги миқдори;

технологик жараёнларга мувофиқ бир бирликдаги ёки маълум миқдордаги қайта ишлаш маҳсулотини олиш учун ишлатиладиган мутлақ товарлар миқдори;

қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаларини белгилашда ишлатилган технологик жараёнга мувофиқ ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш чиқиндилари, қолдиқлар ва йўқотишлар ҳисоблаб чиқилади.

45. Қайта ишлаш операцияларига, уларни амалга оширишнинг ҳақиқий шартларига, ишлаб чиқариш жараёнлари ва технологик операцияларга қараб, ҳар бир қайта ишлаш операцияси (технологик жараён) учун олиб кириладиган товарларнинг алоҳида партияларига чиқиш нормаси белгиланиши мумкин.

8-боб. Кооперация тартибида божхона ҳудудида қайта ишлаш

46. Божхона ҳудудида қайта ишлаш режимида тайёрланган яримтайёр маҳсулотларни кейинги ишлаб чиқарувчилар томонидан кооперация тартибида чуқурроқ қайта ишлаш учун мазкур маҳсулотлар

божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштирилади.

Бунда яримтайёр маҳсулотларни кооперация тартибида чуқурроқ қайта ишлаш учун фақат бир маротаба божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиришга рухсат берилади.

47. Қайта ишланган маҳсулотларни кооперация тартибида қуйидаги ҳолатлар бўйича чуқурроқ қайта ишлаш мумкин:

хорижий буюртмачи биринчи маҳаллий қайта ишловчига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида товарларни юборади ва белгиланган тартибда қайта ишланган маҳсулотларни чуқурроқ қайта ишлаш учун мазкур хорижий буюртмачи ҳамда иккинчи маҳаллий қайта ишловчи ўртасида тузилган хизмат кўрсатиш шартномаси асосида иккинчи маҳаллий қайта ишловчи божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиради;

биринчи маҳаллий қайта ишловчи божхона ҳудудида қайта ишлаш мақсадида чет элдан хомашёни сотиб олиб, белгиланган тартибда қайта ишланган маҳсулотларни хорижий буюртмачининг топшириғига асосан чуқурроқ қайта ишлаш учун иккинчи маҳаллий қайта ишловчига республика ҳудудида экспорт шартномаси асосида етказиб беради. Бунда:

хорижий буюртмачи ҳамда иккинчи маҳаллий қайта ишловчи ўртасида тузилган хизмат кўрсатиш шартномаси асосида божхона органидан рухсатнома олган ҳолда биринчи қайта ишловчи томонидан қайта ишланган маҳсулотларни иккинчи маҳаллий қайта ишловчи божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиради;

биринчи маҳаллий қайта ишловчи божхона ҳудудида қайта ишлаш мақсадида чет элдан хомашёни сотиб олиб, белгиланган тартибда қайта ишланган маҳсулотларни чуқурроқ қайта ишлаш учун иккинчи маҳаллий қайта ишловчига ҳисоб-фактура асосида сотади.

Бунда иккинчи маҳаллий қайта ишловчи биринчи маҳаллий қайта ишловчидан ҳисоб-фактура асосида сотиб олинган қайта ишлаш маҳсулотларини божхона органидан рухсатнома олган ҳолда божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиради.

48. Биринчи қайта ишловчининг товарга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқи божхона юк декларацияси божхона органига берилган пайтдан эътиборан иккинчи қайта ишловчи шахсга ўтказилган деб ҳисобланади. Божхона юк декларацияси берилган пайтда иккинчи қайта ишловчида божхона режимига риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар юзага келади.

Бунда биринчи қайта ишловчи томонидан қайта ишланган яримтайёр маҳсулотлар чет эл товари мақомида қолади.

49. Иккинчи маҳаллий қайта ишловчи томонидан қайта ишланган маҳсулотларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштиришда божхона тўловлари биринчи маҳаллий қайта ишловчидан қайта ишлаш учун олинган яримтайёр маҳсулотларнинг божхона қийматидан ҳамда қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасига мувофиқ ишлатилган сонидан ҳамда товар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган куни амалда бўлган, уларга нисбатан қўлланадиган божхона тўловларининг ставкаларидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

9-боб. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимини яқунлаш

50. Товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими рухсатномада белгиланган товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш муддати тугаган кундан кечиктирмай қайта ишланган маҳсулотлар, чиқиндилар, қолдиқлар ва божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими остида бўлган ва қайта ишлаш операцияларида ишлатилмаган хорижий товарларни олиб чиқиш билан ёки уларни божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган шартларда хорижий товарларга нисбатан қўлланадиган бошқа божхона режимига жойлаштириш билан яқунланиши керак, божхона транзити божхона режими бундан мустасно.

51. Қайта ишлаш маҳсулотлари, чиқиндилар, қолдиқлар ва божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган ҳамда қайта ишлаш операцияларида ишлатилмаган чет эл товарлари божхона қонунчилигида назарда тутилган шартларда реэкспорт божхона режимида олиб чиқилади.

Бунда қайта ишлаш маҳсулотлари етарли даражада қайта ишлаш шarti билан экспорт божхона режимида олиб чиқилади.

52. Божхона ҳудудига қайта ишлаш учун товарлар олиб кирилгунга қадар қайта ишланган маҳсулотларнинг олиб чиқилиши билан эквивалент компенсация қўлланганда, божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими кўрсатилган товарларни қайта ишлашга рухсатномада белгиланган муддатларда олиб кириш билан тугайди.

Эквивалент маҳсулотга алмаштирилган чет эл товари олиб кирилганда, божхона органи ушбу товар белгиланган талабларга жавоб беришига ишонч ҳосил қилганидан кейин божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилади. Агар эквивалент товар Ўзбекистон Республикаси товари мақомига эга бўлган товар бўлса, чет эл товари божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилганидан кейин ушбу товар Ўзбекистон Республикаси товари мақомига эга бўлади.

Агар эквивалент товар билан алмаштирилган чет эл товари қайта ишлашга рухсатномада белгиланган муддатларда олиб кирилмаган бўлса, белгиланган муддат ўтгандан кейин олиб

кирилатганда Ўзбекистон Республикасининг Божхона [кодексига](#) мувофиқ бошқа божхона режимига жойлаштирилади.

53. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимида тайёрланган ярим-тайёр маҳсулотларни кейинги ишлаб чиқарувчилар томонидан кооперация тартибида чуқурроқ қайта ишлаш учун божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштирилганда биринчи қайта ишловчи томонидан мажбурият якунланган ҳисобланади.

54. Божхона ҳудудида товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома олган шахс ушбу рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар божхона режимини ушбу бобга мувофиқ тугатишга ҳақли.

55. Қайта ишланган маҳсулотлар қайта ишлаш учун рухсатнома берган ҳудудда жойлашган божхона пости орқали экспорт ёки реэкспорт божхона режимига жойлаштирилади.

10-боб. Қайта ишлаш маҳсулотларига, қолдиқларга ва чиқиндиларга нисбатан божхона тўловларини ҳамда иқтисодий сиёсат чораларини қўллаш

56. Олиб чиқиладиган қайта ишлаш маҳсулотлари, чиқиндилари, божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган ва қайта ишлаш операцияларида ишлатилмаган чет эл товарлари божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилади, шунингдек, уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмайди, қонунчиликда белгиланган божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимини қўллашга доир тақиқ ва чекловлар бундан мустасно.

57. Қуйидаги ҳолатлар юзага келганда, товарларни қайта ишлашга рухсатнома олган шахсда божхона тўловларини кўрсатилган муддатларда тўлаш мажбурияти юзага келади:

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар рухсатномада кўрсатилмаган шахсга ўтказилган ҳамда йўқотилган ёки тасарруф этиб юборилгани аниқланган тақдирда — товарни топшириш куни, агар ушбу кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса — товар божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган кун;

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими божхона органи томонидан белгиланган муддатда тугалланмаган тақдирда — божхона органи томонидан белгиланган божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимининг амал қилиш муддати тугаган кун;

чет эл товарларидан қайта ишлаш рухсатномасида кўрсатилмаган бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда — товар божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган кун;

суднинг тегишли қарори қабул қилинган тақдирда — суд қарори қонуний кучга кирган сана;

товарлар божхона тўловларини тўлаш назарда тутилган божхона режимига жойлаштирилган тақдирда — божхона органи томонидан божхона юк декларацияси рўйхатга олинган пайтдан бошлаб;

қайта ишлаш рухсатномаси бекор қилинган тақдирда — товар божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган кун;

барча қайта ишлаш маҳсулотлари, чиқиндилари ва қолдиқлари белгиланган чиқиш нормасига мувофиқ божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқилгани ёки ушбу Низомга мувофиқ бошқа божхона режимларига жойлаштирилгани тўғрисида далиллар тақдим этилмаган тақдирда.

58. Ушбу Низомнинг 57-банди [иккинчи — тўртинчи хатбошиларида](#) назарда тутилган ҳолатлар юзага келганда:

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарларга божхона тўловларини тўлаш бўйича тариф преференциялари ва имтиёзлар татбиқ этилмайди;

божхона тўловларини тўлаш мажбурияти юзага келган кундан эътиборан Божхона кодексининг [349-моддаси](#) талабларига асосан пеня ҳисобланади.

59. Товарлар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилганда божхона тўловлари қуйидаги ҳолларда:

қайта ишланган маҳсулотлар бўйича — эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштиришда божхона тўловлари қайта ишлаш учун олиб кирилган товарларнинг божхона қонунчилигига мувофиқ аниқланадиган божхона қийматидан ва (ёки) қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасига мувофиқ ишлатилган миқдоридан ҳамда товар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган куни амалда бўлган, уларга нисбатан қўлланадиган божхона тўловларининг ставкаларидан келиб чиққан ҳолда тўланади. Бунда декларант божхона органларига божхона юк декларациясига илова қилинган божхона тўловлари ҳисобини тақдим этади;

божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган ва қайта ишлаш операциялари амалга оширилмаган товарлар ва қолдиқлар бўйича — божхона тўловлари қайта ишлаш учун олиб кирилган товарларнинг божхона қийматидан ҳамда товар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган куни амалда бўлган, уларга нисбатан қўлланадиган божхона тўловларининг ставкаларидан келиб чиққан ҳолда тўланади;

чиқиндилар бўйича — ваколатли шахс томонидан чиқиндиларни сотиш нархи сифатида белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда, ТИФ ТН коди бўйича товарлар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган тақдирда, улар божхона ҳудудига шу

ҳолатда олиб кирилгандаги каби божхона тўловлари (бунда импорт божхона божи ҳисобланиб, бироқ ундирилмайди) ҳисобланади.

60. Агар ушбу Низомнинг 29-бандида кўрсатилган солиштириш натижасида божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган ва қайта ишлаш операциялари амалга оширилмаган товарлар ва қолдиқлар ҳисобга олинган ҳолда:

олиб чиқилган (ёки бошқа божхона режимларига жойлаштирилган) қайта ишлаш маҳсулотларининг миқдори белгиланган чиқиш нормасидан кам бўлса, солиштириш натижасидаги фарққа нисбатан ушбу Низомнинг 59-бандига мувофиқ товарлар эркин муомалага чиқарилгандаги каби божхона тўловлари тўланиши лозим;

олиб чиқилган (ёки бошқа божхона режимларига жойлаштирилган) чиқиндилар миқдори божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими қўлланганда ҳосил бўлган чиқиндилар миқдоридан кам бўлса, солиштириш натижасидаги фарққа нисбатан ушбу Низомнинг 59-бандига мувофиқ чиқиндилар эркин муомалага чиқарилгандаги каби солиқлар тўланиши лозим.

61. Қайта ишлаш рухсатномаси қонунчиликка мувофиқ бекор қилинган тақдирда, бекор қилинган қайта ишлаш рухсатномасига мувофиқ қайта ишлаш учун олиб кирилган товарлар божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилмаган деб қаралади ва амалдаги ставкалар асосида божхона тўловлари тўланади.

11-боб. Харажатларнинг қопланиши

62. Қайта ишлаш маҳсулотининг чиқиш нормасини ўрганиш, тадқиқ қилиш, экспертизадан ўтказиш ёки бошқа илмий-техник баҳолаш, шунингдек, олиб кирилган товарни қайта ишлаш маҳсулотида идентификация қилиш мақсадида учинчи ваколатли шахслар ёки экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар ваколатли шахс томонидан қопланади.

Ваколатли шахс ўз ташаббуси билан тегишли муассасаларнинг хулосаларини ва аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи бошқа эксперт хулосаларини тақдим этишга ҳақли.

12-боб. Якунловчи қоидалар

63. Божхона органлари божхона назоратини амалга оширишда олинган давлат, тижорат, банк сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотларни ошкор этмаслиги, бошқа мақсадларда фойдаланмаслиги, учинчи шахсларга берилмаслиги лозим, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

64. Биноларида ва ҳудудларида божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар турган ёки туриши эҳтимоли бўлган юридик ва жисмоний шахслар шу биноларга ва ҳудудларга божхона органларининг мансабдор шахсларига улар хизмат гувоҳномасини кўрсатган тақдирда кириш имконини беради.

65. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш
божхона режими тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва уларнинг ҳаракати
тўғрисида
ҲИСОБОТ

_____ дан _____ гача

Ташкилот номи _____

Т/р	Рухсатнома рақами	Рухсатнома берилган сана	Жами олиб кирилган хомашё					Жами олиб кирилган хомашёдан ҳосил бўладиган қайта ишлаш маҳсулоти				Қайта ишлаш жараёнида			
			ТИФ ТН код	номи	ўлчов бирлиги (дона, литр, м3)	миқдори	нетто вазни (кг)	ТИФ ТН код	номи	ўлчов бирлиги (дона, литр, м3)	миқдори	нетто вазни (кг)	номи	миқдори	ваз. (кг)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1.	230327	27.03.2023	1001990000	1-навли бугдой	кг		100 000	1001990000	Ун	кг		75 000	бугдой		10
								1001990000	Кепак	кг		23 000			
								1001990000	Чиқинди	кг		1 800			
								1001990000	Йўқотиш	кг		200			

Якуний режим (ЭК 10, 11, ИМ 70, 74, 40, 76)					Қолдиқ									
					Якуний режимга расмийлаштирилмасдан турган тайёр қайта ишлаш маҳсулоти					Олиб кирилган хомашё				
ТИФ ТН код	номи	ўлчов бирлиги (дона, литр, м3)	миқдори	нетто вазни (кг)	ТИФ ТН код	номи	ўлчов бирлиги (дона, литр, м3)	миқдори	нетто вазни (кг)	ТИФ ТН код	номи	ўлчов бирлиги (дона, литр, м3)	миқдори	нетто вазни (кг)
17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1001990000	Ун	кг		7 500	1001990000	Ун	кг		7 500	1001990000	1-навли бўғдой	кг		70 020
1001990000	Кепак	кг		2 300	1001990000	Кепак	кг		2 300					
1001990000	Чиқинди	кг		180	1001990000	Чиқинди	кг		180					
1001990000	Йўқотиш	кг		20										

Ташкилот раҳбари

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ташкилот бухгалтери

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2
сентябрдаги 555-сон қарорига
2-ИЛОВА

Божхона ҳудудида ва ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш тақиқланган товарлар
РЎЙХАТИ*

I. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилиши тақиқланган товарлар:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда олиб ўтилиши тақиқланган товарлар.
- 2. Уран ва бошқа радиоактив моддалар, улардан тайёрланган маҳсулотлар, радиоактив моддалар чиқиндилари, шунингдек, радиоактив моддалар билан ишлатиладиган асбоб-ускуналар.

II. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилиши тақиқланган товарлар:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида экспорт қилинадиган товарлар.
- 2. Каолин ва кварц қуми (ТИФ ТН бўйича товар позицияси 2505 ва 2507).

* ушбу товарларни божхона ҳудудида/ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимларига жойлаштиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг рухсати асосида йўл қўйилади.
(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.09.2025 й., 09/25/555/0799-сон)